



Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуриimiz бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 26 июль сешанба № 32 (759)

e-mail: info@press-iq.uz

www.minjust.uz

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги олдида

Маданиятимиз дурдоналари


Истиқлол йилларида қайта жонланди

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Соҳага оид қонун ҳужжатлари босқичма-босқич қабул қилиниб, улар ижроси бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

ЖУМЛАДАН, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги, “Музейлар тўғрисида”ги, “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Маданий бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб кириши тўғрисида”ги, “Археология ме-роси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунлар шу соҳалар тараққиётида мустақам ҳуқуқий асос вазифасини ўтапти.

Республикаимизда жами 7 570 та маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, улардан 3 945 таси археология, 2 330 таси меъморий, 1 138 таси монументал санъат асарлари ва 157 таси эса диққатга сазовор обидалардир. Мустақиллик йилларида 980 та объектка қайта тиклаш ва реставрация ишлари олиб борилди.

Маданий мерос объектларини тиклаш ва реставрация қилиш ишлари ҳажми кўпчилиги сабабли ҳар бир вилоятда 5 йиллик, 10 йиллик ва 20 йиллик режалар ишлаб чиқилган.



2

Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ахборот хизматларининг ўрни

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббуси билан “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ахборот хизматларининг ўрни ва аҳамияти” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

УНДАН қўзланган асосий мақсад Президентимизнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасида таъкидланганидек, давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари фаолиятларини янада такомил-



лаштириш, бу борада кенг кўлам-ли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, соҳа билан боғлиқ қонун ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгаришларни киритиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, шунингдек, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришда ахборот хизматлари ролини ошириш ва ОАВдан унумли фойдаланишни йўлга қўйишдан иборат.

Матбуот анжуманида, ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш, бу борадаги мавжуд норматив-ҳуқуқий базага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, хорижий оммавий ахборот воситалари ходимларининг ваколатли идораларда аккредитациядан ўтиш масалалари, матбуот котибининг иxtисослашув йўналишини аниқ белгилаш, уларни касбга тайёрлаш юзасидан олий ўқув юртларида махсус йўналишлар

ташқил этиш, уларнинг касбий малакаларини мунтазам равишда ошириб бориш, ривожланган давлатлар амалиётини ўз фаолиятида қўлаш учун тажриба алмаши-нувини йўлга қўйиш масалалари-га эътибор қаратилиб, тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир давомида жамиятда ҳуқуқий саводхонлиқни юксалтиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда Адлия вазирлиги билан ҳамкорлик қилаётган “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Турон-банк” АТБ, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси мутахассисларининг Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида ўтказилаётган “Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси” республика танлови юзасидан шу кунгача амалга оширилган ишлар борасида маълумотлар берилди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

Ўзбекистон
дунё нигоҳида

Ҳамкорлик алоқалари
янада кенгайди,
янги марраларга
эришилади

— Мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Барча ўзбекистонликларнинг кутлуг байрами ара-фасида юртимиз ҳақида қандай фикрлар айта оласиз? Байрам олдида халқимизга қандай тилаклар билдирасиз?



Чон Дэ ВАН,
Корея Республикасининг
Ўзбекистон Республикасидаги
Фавқуллод ва Мухтор Элчиси

ҚАДРЛИ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР!

Сизларни Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллиги байрами муносабати билан самимий кутлайман!

Мамлакатингиз мустақилликка эришгандан сўнг 20 йил давомида катта иқтисодий ўзга-ришлар кўзга ташланди, шунингдек, келажакда ҳам бу ўсиш янада ривожланади.

2012 йилда Корея ҳамда Ўзбекистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 20 йил тўлади. Ушбу кутлуг икки айём арафасида, ўйлаймизки, Корея ва Ўзбекис-тон ўртасида кўплаб йўналишларда ҳамкор-лик алоқалари янада кенгайиб, янги марра-ларга эришилади.

Ҳурматли Ўзбекистон фуқаролари!

Сизнинг оилангизга тинчлик-хотиржамлик, бахт тилайман!

“Инсон ва қонун” муҳбири
Дилфуза ЭРҒАШЕВА ёзиб олди.

Бозорлари баракали юрт



ҲАР БИР элнинг турмуш тарзи, фаровонлик даражаси унинг бозорларида намоён бўлади. Жаннатонанд юртимиз бозорларининг ободлиги, маҳсулотларнинг мўл-кўллиги ва нарх-навонинг арзонлиги ҳам мамлакатимиз иқтисодий қудратининг ёрқин ифодасидир.

БУГУН юртимиз деҳқон бозорларига кирган кишининг кўзи қувнайди. Пеш-тахталар сархил мева-саб-завот, полиз маҳсулотла-ри билан тўла. Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳ-намолигида кишлоқ хўжа-лигида амалга оширила-ётган туб ислохотлар — боғдорчиликка иxtисос-лашган фермер хўжалик-ларининг ташқил этилган-ни, озиқ-овқат маҳсулотла-ри ишлаб чиқарувчи тад-биркорлик субъектлари ва савдо-сотиқ учун кенг қулайликлар яратилаётган-ни бунда муҳим омил бўлаётди.

Бугунги кунда Ўзбекис-тон бугдой, ун, мева-саб-завот, узум, полиз маҳсу-лотлари каби кундалик истеъмол товарлари билан ички эҳтиёжларини тўлиқ таъминламоқда. Аҳолининг гўшт, сут, гуруч, тухум, картошка, сабзи, пиёз

каби асосий кундалик то-варларга кирган талаби ўзимизда етиштирилган ва ишлаб чиқарилган маҳ-сулотлар ҳисобидан қоп-ланмоқда.

Айтиш жоизки, бугун дунёнинг кўплаб давлатлари маҳсулотларининг катта қисмини четдан сотиб ола-ди. Бу эса ушбу маҳсулот-ларнинг нархига сезилар-ли таъсир кўрсатади. Ай-ниқса, сўнгги йилларда жаҳонда қузатилаётган эко-логик муаммолар, иқтисо-дий инқироз оқибатида кишлоқ хўжалиги маҳсулот-лари етиштириш ҳажми камайиб, нархи янада ошиб бормоқда. Шу боис мамлакатимизга ташриф буюраётган хорижий сай-ёҳлар юртимизда етишти-рилган ноз-неъматларнинг таъмига ва нар-хига катта ҳавас ва ҳайрат билан қарайди.

2

Маданиятимиз дурдоналари

Истиқлол йилларида

қайта жонланди

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

“Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Қонуни асосида оғзаки мерос ва тил (сўз санъати), ижро санъати (музыка, рақс, куй ва томоша санъатлари), урф-

Термиз шаҳарларининг 2500, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигининг жаҳон миқёсида нишонланиши кутлуғ ва табаррук бир юртда яшаётганимиз далолатидир.

Юртбошимиз ташаббуси билан буюк аждодларимиз руҳларига ҳурмат ва эҳтиром, тарихий шаҳарларимизга бўлган катта эътибор туфайли мамлакатимиздаги бир қатор тарихий обидаларимиз мукаммал таъмирланди. Юртимизда яшаб, ислом



одатлар ва маросимлар, халқ байрамлари, табиат ва инсоният ҳамияти ўртасидаги уйғунлиқни акс эттирдиган анъанавий билим намуналари, халқ хунармандчилиги каби номоддий маданий мерос объектлари рўйхатини ишлаб чиқиш, уларни муҳофаза қилиш ҳамда тарғиб этиш ишлари изчил йўлга қўйилган.

Айнан мустақиллик йиллари “Бойсун маданий макони”, “Шашмаком”, “Наврўз” ва “Катта ашула” ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритилиб, уларни муҳофаза этиш ҳамда кенг оммага тарғиб қилиш ишлари халқаро миқёсда амалга оширилаётгани алоҳида эътиборга молик.

Мустақиллик йилларида икки мингдан ортиқ меъморчилик обидалари, уч мингдан ортиқ археологик, мингдан зиёд тарихий-монументал ёдгорликларни ўрганиш, ҳисобга олиш ва муҳофаза қилишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Буюк тарихимиз ҳамда халқимиз азалий бунёдкорлигининг намуналари бўлган Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Қарши шаҳрининг 2700, Хива, Бухоро ҳамда

Илҳом ОТАЖОНОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик
палатаси депутати

Тадбир

“Очиқ эшиклар куни”

баҳс ва мунозараларга бой бўлди

МАЪЛУМКИ, адлия тизими ходимлари иштирокида республикасининг барча вилоятларида тадбиркорлар учун “Очиқ эшиклар куни” ўтказиб келинмоқда.

НАВБАТДАГИ ана шундай тадбир Наманган вилоятининг Поп туманида бўлиб ўтди. Вилоят адлия бошқармасининг бир гуруҳ мутасаддилари туман ҳокимлиги, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси, тижорат банклари, назорат қилувчи идоралар ҳамда туманда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан юзма-юз мулоқот ўтказдилар.

Узаро фикр алмашув, ошқора мулоқот тарзида ўтган “Очиқ эшиклар куни” баҳс ва мунозараларга бой бўлди. Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори катта имконият

эшикларини очиб берганлигини таъкидлашди. Шунингдек, туманда фаолият кўрсатаётган 564 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг аксарияти, яъни 50 фоиздан кўпроги савдо, тижорат билан шуғулланаётгани, эндиликда уларни саноат, ишлаб чиқариш, маиший хизмат соҳаларига ҳам йўналтириш лозимлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Адлия бошқармаси масъул ходимлари иштирокидаги “Очиқ эшиклар куни” вилоятнинг Учқўрғон, Косонсой, Чортоқ, Янгиқўрғон, Норин, Уйчи туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Абдухшом МАДАТОВ,
“Инсон ва қонун”
муҳбири

Хуқуқий тарғибот

Вояга етмаганлар — қонун ҳимоясида

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2011 йил 17 январдаги “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг 2011 йилга мўлжалланган иш режаси, “Вояга етмаганлар ўртасида маънавий тарбияни кучайтириш ва диний ақидонаростлиқнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури” ва “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар Дастури” амалиётга изчил татбиқ этилмоқда.

Адлия органлари ва муассасалари томонидан 2011 йилнинг 1-ярмида айнан шу йўналишда 3561 маротаба ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Шундан 514 таси оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилди.

Мавзуга оид 23 та ўқув-услубий қўлланма, рисоалар ва 1932 нусхада бошқа материаллар нашр этилди, тингловчилар учун 188 турдаги плакат

ва буклетлар тайёрланиб, жойлардаги тадбирларда тарқатилди.

Адлия органларининг масъул ходимлари ҳуқуқ-тарғибот идоралари, ўқув муассасалари ва бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда жойларда бўлиб, “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — барчамизнинг бурчимиз”, “Маънавий етук ёшлар — жамиятимиз таянчи”, “Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш”, “Вояга етмаганлар — қонун ҳимоясида”, “Оила ва ёшлар” каби қўлаб мавзуларда мулоқот ва ўқувлар ташкил этилди.

Шу билан бирга “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг ижроси юзасидан ўрганишлар олиб борилаяпти. Хусусан, жорий йилнинг 1-ярмида Навоий вилоятидаги 6 та умумтаълим мактаби, 2 та мактаб-интернатда ўтказилган ўрганишлар натижасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Адлия вазирлигининг
Хуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий
таълим бошқармаси



Либераллашув

Инсонпарварлик тамойили

суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсадидир

ЮРТИМИЗДА амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлардан қўзланган асосий мақсад инсон ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлашдан иборатдир.

УШБУ ислохотларнинг бир қисми ҳисобланган жиноят қонунини либераллаштириш борасида, хусусан, ўлим жазосининг бекор қилиниши инсоннинг узвий ҳуқуқи бўлган яшаш ҳуқуқининг дахлсизлигини таъминлади, десак хато бўлмайди.

Конституциямиз асосида ишлаб чиқилиб, 1995 йил 1 апрелда қўйилган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси инсоннинг яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида ўзига ҳоким ўрин тутди. Жиноят кодекси Маҳсуф қисмидаги нормаларнинг 26 фоизи мўйайн даражада фуқаролар ҳаётига таъвоуз қилганлик учун жиноий жавобгарлиқни назарда тутишни таъкидлашнинг ўзи кўп нарсаларга ойдинлик киритди. Жабрланувчининг у ёки бу биологик ҳусусиятлари ва ижтимоий сифатларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳаёти қонун билан муҳофаза қилинади.

Таъкидлаш жоизки, қонунлар қотиб қолган ҳужжат эмас, улар ҳаёт, жамият талабига қўйиб, ўзгариб, такомиллашиб, ривожланиб боради. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексига ҳам бир қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилдики, бу ҳам ижтимоий-ҳуқуқий заруратдан келиб чиқди.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотларни янги босқичга олиб чиқди.

Маълумки, ўлим жазоси ҳар доим қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келган. Бу мавзу ўтмишда ҳам муҳокама қилинган, ҳозир ҳам долзарб аҳамиятга эга, келажақда ҳам токи ўлим жазоси барча давлатларда бекор қилинмагунча муҳокама қилинаверади.

Шуни айтиш жоизки, дунёда 1990 йилдан бугунги кунга қадар ўлим жазоси 30 дан ортиқ мамлакатда бекор қилинган. Айниқса, 1998-2000 йилларда нафақат ўлим жазосини қўллаш қўлами ва географияси ўзгарди, балки турли қитъаларда зиёлилар, сиёсатчиларнинг ушбу жазо чорасининг мохиятига бошқача назар билан қараши шаклланди, бу эса инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи барча миллий ва халқаро ташкилотларнинг сай-ҳаракатлари инсон ҳаётининг олий қадрият эканлиги

ҳақидаги гуманизм ғояларининг ёйилишига сабаб бўлди.

Ҳозирга келиб ўлим жазоси бекор қилинган давлатлар сони бу жазо қўлла-нилаётган мамлакатлар сонидан ортиб кетди.

“Халқаро амнистия” ташкилотининг охириги маълумотларига қўра, бугунги кунда ўлим жазоси 85 та давлатда батамом бекор қилинган, 11 та давлатда энг ашаддий жиноятчиларга нисбатан қўлла-нилади, 24 та давлат қонунларида бу жазо назарда тутилмаган. 76 та давлатда ўлим жазоси қўлланиб келинмоқда.

Шу ўринда халқаро ташкилотлар қарияларга нисбатан ўлим жазосини қўллашдан воз кечиш тақлифини кўп марта ўртага ташлаганини таъкидлаб ўтиш жоиз. 1988 йилнинг август ойида БМТга жиноятчилик ҳақида хабар берувчи қўмита БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашига аъзо давлатларга “ўлим жазосига ҳукм қилмаслик ва ижро этмаслик ёшининг энг юқори чегарасини” ўрнатилган ҳақидаги тақлифи билан мурожаат қилди. Бу каби меъёрларни базми мамлакатлар қонунчилигида уч-ратиш мумкин. Масалан, Мўғулистонда 60 ёшдан ошганлар, Гватемала ва Суданда эса 70 ёшдан ошганлар ўлим жазосига ҳукм этилмайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, жазо — жиноятчиликка қарши курашнинг асоси эмас, балки ёрдамчи воситаси ҳисобланади. Айрим жазолар ёрдамида жиноятчиликни камайтириш ҳам, унга чек қўйиш ҳам мумкин эмас. Аксарият ғарб олимлари “жазонинг инқирози” тўғрисида сўз юритадилар ва бунини жиноятчиликнинг ҳолати билан бевосита боғлиқ, деб қўрсатадилар. Бирок, айнан шу бевосита “боғлаш”, бизнинг назаримизда, катта хатодир. Жиноятчиликка қарши кураш чора-тадбирлари тизимида жазо ўз вазифасини ўтайди. Шу билан бирга, жазо жамиятни жиноятлардан ҳимоя қилиш усули ҳамдир.

Жиноятларнинг олдини олиш жиноий жазонинг энг муҳим мақсадларидан биридир.

Ўлим жазосига жиноятчиликнинг умумий олдини олиш назарияси нуктаи назаридан ёндашиб, жазоланишнинг маънавий мақсадига асосий ва устувор мақсад деб қарасак, умумий қўқитиш ёки умумий оғохлантириш воситаси сифатида ўлим жазоси унча катта рол ўйнамаслигини кўраимиз. Маълумки, ўлим жазосининг

қўп қўлланилиши жиноятчиликнинг ўсишига монелик қила олмайди. Бу ўринда яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, оммани ўлим жазоси билан қўқитиб ҳуқуқий тарбиялаш усулининг ўзи ҳозирги замон маданияти ва ҳозирги давр кишининг ривожланган руҳияти шароитларида мутлақо ноқоишдир.

Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармонида қўра, 2008 йил январдан бошлаб мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилиниб ва унинг ўрнига умрбод ёки ўзоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилди.

Ушбу Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ фавқулодда жазо чораси бўлган умрбод озодликдан маҳрум қилиш фақат 2 та жиноят: жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун назарда тутилди. Мазкур жазо аёлларга, 60 ёшдан ошган эркакларга ва вояга етмаганларга нисбатан тайинланмайди.

Хорижий давлатларнинг жиноят қонунларини қиёсий таҳлил қилсак, Германия ва Польшада бир умрлик озодликдан маҳрум қилиш жазоси 5 та жиноят учун, Бельгия ва Россияда 6, Данияда 9, Грузияда 11, Швецияда 13, Беларусда 14, Япония ва Озарбойжонда 16, Қозғистон ва Кореяда 17, Францияда 18, Голландияда 19, Молдовада 24 жиноят учун назарда тутилганлигига ғувоҳ бўламиз.

Президентимиз “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да таъкидлаганидек “Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳамжамиятининг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлгани, албатта, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ўта муҳим воқеадир”.

Фикримиз сўнггида шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, Ўзбекистонда ўлим жазосини қўллашга доир жиноят қонунчилиги сиёсати бутун жаҳонда ке-чаётган жараёнларга тўла мос бўлиб, Ўзбекистон Конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида тўла акс эттиради.

Одина ЗОКИРОВА,
юридик фанлари доктори,
профессор

Адлия аралашгач...

Маҳсулот учун қарзлар

тўланишига эришилди

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлиги Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларга шартномаларни тузишда ва уларни бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда шартнома интизомини мустаҳкамлаш, шартнома интизомини бузилишига йўл қўйган лавозимли шахсларнинг масъулиятини кучайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Мурожаатларнинг ўз вақтида ўрганилиши ва зарурат тутилганда мавжуд масаланинг қонуний ечимини топишга алоҳида аҳамият қаратиляпти.

МИСОЛ УЧУН, Шуманай тумани, “Бек жап” ОФЙ ҳудудида фаолият кўрсатаётган “Раҳман Абдираманов” фермер ҳўжалиги раҳбари М.Абдираҳманов 2010 йил ҳосили учун пахта хомаёёсини етказиб бериш бўйича “Ҳўжайли толаси” ҲҲ билан тузилган контрактация шартномасига асосан мазкур ҳиссдорлик жамияти қарзларни тўлиқ тўламаётганлигидан норози бўлиб мурожаат қилди.

Ўрганишлар натижасида жамият томонидан тарафлар ўртасида тузилган

контракция шартномасининг талаблари бузилиб, етказиб берилган маҳсулот учун тўланиши лозим бўлган пул маблағлари муддатидан кечиктирилганлиги ва жамият раиси номига шу ҳақда фермер ҳўжалиги раҳбари томонидан ёзилган мурожаат ўз вақтида қўриб чиқилмаганлиги аниқланди.

Бундай қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан бўлим томонидан фермер ҳўжалигининг манфаатини қўлаб 13.499.174 сўм асосий қарз ва 3.671.796 сўм уста-

ма ундириш тўғрисида ҳўжалик судига даъво ариза киритилди. Суднинг 2011 йил 12 апрель кунги ҳал қилув қарорига асосан даъво ариза тўлиқ қаноатлантирилди.

Шунингдек, фермер ҳўжалиги раҳбарининг мурожаатини қўриб чиқишда қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган жамиятнинг масъул ходимини маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан баён-нома тузилди ва жиноят ишлари бўйича Ҳўжайли тумани судининг қарорига асосан энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдоридан жарима солинди.

Нажимиддин ТАЙРОВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси
Адлия вазирлиги
масъул ходими

Бозорлари баракали юрт

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

ШИРИН ҚОВУНЛАР МАМЛАКАТИ

Яқинда чет эллик бир меҳмоннинг қовун танлаётгани эътиборимни тортди. Сотувчи узатган бир қарч қовунни татиб қўрган ҳалиги сайёҳ “қойилман” дегандай ўзоқ бош чайкади. Сўнгра сотувчига нималянидир гапириб, бир эмас, иккита қовун сотиб олди.

— Аввалига битта қовун сўраганди, — дейди ўзини Муҳиддин ака деб таништирган жиҳзаҳлик дехқон. — Таъминоти тотиб қўргач, иккита олишга қарор қилди.

Аслида хорижлик меҳмоннинг ҳаяжонини англаш қийин эмас. Уни қовунларимизнинг бағоят ширинлиги лол қолдиргани аниқ. Чунки хорижда аксарият мева-сабзавот ва полиз экинлари иссиқхоналарда етиштирилади. Уларнинг тез пишши, ўзоқ сақланиши учун қўлаб кимёвий моддалардан фойдаланилади. Бу маҳсулотнинг табиий мазасига, таъми-ю сифатига таъсир кўрсатмай қолмайди.

Бунинг устига, турли кимёвий воситалар, иссиқлик энергияси ва бошқа процедуралар учун кетадиган харажатлар мева-сабзавот таннархининг қимматлашишига сабаб бўлади. Интернетдан олинган маълумотларга қўра, Европа маркетларида бир килограмм узум 5,88, тарвуз 6,25, олча 6,63 фунт стерлинг (қарийб 20 минг сўм) турар экан. АҚШда эса 1 фунт, яъни 450 грамм қовун-тарвуз қарийб 14 доллар сотилмоқда. Бу бизнинг пулга 24 минг сўмдан кўпроқ дегани.

Кўни кеча уйимизга Сурхондарёдан меҳмон келди. Унта тарвуз олиб келибди.

— Чироқчиндан олдим, — дейди. — Ўнтаси 2 минг сўм экан.

Бу каби нарх-наво қиёсида юртимиздаги тўқинлик ва арзончиликни яққол тасаввур қилиш қийин эмас. Умуман, Ўзбекистонда асосий истеъмол маҳсулотларининг ўртача баҳоси бошқа давлатлар билан солиштирилганда доим энг паст кўрсаткични ташкил этиб келган.

Энг муҳими, она заминимизда етиштирилган мева-сабзавотнинг мазаси тилини ёради. Мусаффо сувдан баҳра олиб, қуёш тағдига қониб, табиий шароитда ўсган ноз-неъматларимиз инсон саломатлиги учун ҳам фоят фойдалидир.

Тадбир тақозоси билан қўйиб ўлкаларни кезган, Хиндистоннинг ҳўқмдори бўлган Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам бир умр ўз Ватанининг қовунларини соғиниб ўтгани тарихдан маълум. Чунки юртимиздагидек ширин мевани бошқа жойда топиш қийин.

ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИ

Бозорларимизда савдо маданияти ривожланиб бормоқда. Ишбилармон сотувчи-ю дехқонларини харидорларнинг талаб ва истакларини ойнабатга олиб, замон талабларидан келиб чиқиб иш тутмоқда.

Масалан, яқин-яқинларгача писта, қурт, ўрик каби маҳсулотлар ёйма, санитария ҳолатига зид ҳолатда сотиларди. Эндиликда тадбиркорларимиз халқимиз севиб истеъмол қиладиган ушбу маҳсулотларни гигиена қоидаларига мос равишда ҳадоқлаб чиқармоқда. Бу ҳам юртимизда савдо маданияти ривожланиб, харидорга ҳурмат орттиб бораётганидан далолат.

Яна бир мисол. Ҳозир бозорларимизда мева-сабзавот халқимизнинг турли эҳтиёжларига мос тарзда тақлиф этиляпти. Рўзгорга, меҳмондорчиликка, хатто, консерва ёпишга мўлжалланган маҳсулотлар алоҳида сараланган. Ҳозорқоқда посила жўнатмоқчи бўлганлар учун махсус қутиларга жойланган ёки саватга терилган чиройли мевалар ҳам бор.

Бу ердаги маҳсулотларнинг ранг-баранглигини қўриб, ёлғиминг эсимга тушиб кетди, — дейди пойтахтлик Зокиржон Ортиқов. — Бизнинг давримизда озиқ-овқат маҳсулотларининг бир ёки икки хили бўларди. Улар ҳам ҳар доим топилавермасди. Баъзан қўлимизда пулимиз турса-да, керакли маҳсулотни сотиб ололмасдик. Ҳатто икки донга “буханка” олиш учун сотатлаб навбатда турган пайтларимиз ҳам бўлган. Бугун эса бозорларимизда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Бир номдаги озиқ-овқат маҳсулотининг бир неча хили тайёрлаб қўйилган. Ҳозир нафақат харид қилиш, балки танлаш имконияти катта.

Бундай фаровонликка эришиш осон бўлгани йўқ, албатта. Президентимизнинг 1996 йил 5 мартдаги “Бозорларнинг фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2009 йил 26 январда қабул қилинган “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2010 йил 26 апрелда имзоланган “Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларини изчил ижро этиш асосида мамлакатимиз бозорлари янги-ча қиёфа касб этди.

Бугунги кунда бозорларимиз жаҳон талабларига жавоб берадиган, харидор ва сотувчилар учун барча зарур имкониятларга эга, сифатли хизмат кўрсатиш тизимига айланди. Савдо нуқталарининг назорат-касса аппаратлари, электрон тарозилар ва термималлар билан таъминлангани аҳоли учун янада кенг қулайлик яратмоқда.

— Дехқон бозорларида санитария-эпидемиологик барқарорлиқни таъминлаш мақсадида савдо расталари янги-ча тарзда жиҳозланди, — дейди “Тошбозорларийловсавдо” уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари Фазлиддин Нуралиев. — Ҳар 10-15 метр масофада ўрнатилган пластик идишлар, турли ҳажмдаги контейнерлар бозорлар худудини чиқиндилардан ўз вақтида тозалашга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази ходимлари озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмолга яроқлилигини мунтазам текшириб боради. Талабга жавоб берадиганлиги савдодан олинади.

Бундай чора-тадбирлар самарасида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш қўлами ва сифати тобора ўсмоқда. Давлатимиз томонидан ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва халқ фаровонлигини янада юксалтириш борасида олиб борилаётган изчил ишлар бозорларимиздаги тўқинлиқни, оиламиз дастурхонидagi файзу бара-кани янада оширишга хизмат қилмоқда.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Адлия аралашгач...

Такдимномаларга асосан

уч нафар шахс эгаллаб турган

лавозимидан озод қилинди

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”да тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, жорий йилнинг олти ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишни сўраб 64 та ариза келиб тушган бўлса, шундан 41 таси қаноатлантирилиб, 19 тасига ҳуқуқий тушултиришлар берилди, қолгани тааллуқлилигига кўра тегишли идораларга юборилди.

ШУНИНГДЕК, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури ихроси юзасидан жорий йил 19 мартдаги Вазирилар Маҳкамасининг “Адлия органларида махсус ишонч телефонларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича аризалар, таклифлар ва шикоятларни қабул қилиш учун телефон алоқасининг махсус линияси “008” рақами ташкил этилди.

Бошқарманинг “Ишонч телефони”га жорий йилнинг биринчи ярмида тадбиркорлик субъектларидан 33 та мурожаат тушди.

Мурожаатлар бўйича судларга 1.262.585.052 сўмлик даъво аризаси киритилди. Шундан, 570.849.969 сўми суднинг қарори билан қаноатлантирилди. Қолган мурожаатлар эса судларда қўрилмоқда.

Жумладан, Янгиер шаҳридаги “124-сонли автокорхона” МЧЖ раҳбари “Ховос вагон депоси” Утепа филиалидан кўрсатилган транспорт хизмати учун ҳақ ундиришда амалий ёрдам беришни сўраб мурожаат этганди.

Урганиш натижасида автокорхона манфаатини кўзлаб, “Ховос вагон депоси” Утепа филиалидан 12.720.000 сўм асосий қарз ва 6.360.000 сўм пеня жами 19.080.000 сўм ундириш тўғрисида вилот ҳужалик судига даъво аризаси киритилди. Суд пеня миқдорини ўзгартириб, тадбиркорлик субъекти ҳуқуқини тиклади.

Аниқланган қонунбузилиш



ҳолатларини бартараф этиш ва уларга йўл қўйган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида 41 та такдимнома, 53 та ёзма огоҳнома ва ёзма кўрсатмалар ҳамда ҳуқуқбузарлик содир қилган мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича судларга 14 та таклиф киритилди. Такдимномаларга асосан 72 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, шундан 3 нафар шахс эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Бошқарманинг 1-ярим йиллик иш режасига асосан туман ва шаҳарларда тадбиркорлиқни ривожлантириш, тадбиркорлар ва хусусий мулк эгалларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганиб чиқилганида қонунбузилиш ҳолатларига

йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Хусусан, ўрганишлар натижасида Президентимизнинг 2009 йил 15 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Қарорининг 2-илловасида

Йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Хусусан, ўрганишлар натижасида Президентимизнинг 2009 йил 15 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Қарорининг 2-илловасида

лоийҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун ундирилган тўлов қиймати энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдорда белгиланган бўлишига қарамайдан, Сирдарё вилоти давлат экспертиза бошқармаси томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш ва ушбу ҳуқуқларини беришда ундирилган тўловлар бўйича белгиланган имтиёзлар қўлланмасдан келатганилиги аниқланди.

Масалан, Гулистон шаҳридаги “Ўзгазлойиҳа” МЧЖ раҳбарининг қўрилаган турар жойларни газлаштириш учун (4 та объект) лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тўғрисидаги хатига асосан МЧЖ билан бошқарма ўртасида экспертиза ўтказиш бўйича шартнома тузилган бўлиб, ушбу шартномага асосан тўлов 785.000

Масалан, Гулистон шаҳридаги “Ўзгазлойиҳа” МЧЖ раҳбарининг қўрилаган турар жойларни газлаштириш учун (4 та объект) лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тўғрисидаги хатига асосан МЧЖ билан бошқарма ўртасида экспертиза ўтказиш бўйича шартнома тузилган бўлиб, ушбу шартномага асосан тўлов 785.000

сўм миқдоридан белгиланган ва тўлов амалга оширилган. Ваҳоланки, бу ўринда 242.420 сўм ортиқча маблағ ундирилган.

Бундан ташқари, Сирдарё вилоти давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси томонидан Вазирилар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари қўпол равишда бузилганлиги аниқланди.

Жумладан, Сирдарё туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор Р.Тоғаев Сирдарё шаҳар Ўзбекистон кўчаси ҳудудида савдо дўкони қурилиши учун қурилиш-монтаж ишларини олиб боришга рухсат беришни сўраб, 2010 йил 21 апрелда ариза берган бўлса-да, инспекция томонидан орадан 6 кун ўтгандан сўнг, яъни 2010 йил 27 апрелда қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун 9-ч-сонли рухсатнома берилган.

Ваҳоланки, юқорида қайд этилган Низомнинг 63-банди 1-қисмида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун рухсатнома бериш архитектура ва қурилиш ҳудудий органлари томонидан 2 кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилиши белгиланган.

Адлия бошқармаси томонидан Текширишларни рўйхатга олиш китоби доимий равишда мониторинг қилиб боришмоқда. Хусусан, жорий йил 1-яримида вилотдаги 2684 та тадбиркорлик субъектида мониторинг ўтказилиб, 452 та китоб тўлдирилишининг белгиланган тартиби бузилганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан назорат қилувчи органларга 67 та ёзма огоҳлантиришлар киритилди.

Яна бир таъкид шуки, тадбиркорлик субъектлари ва ҳорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар раҳбарлари билан биргаликда, рўйхатга олувчи ва рухсат берувчи органлар, тумандаги назорат қилувчи органлар, тижорат банклари ҳамда тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи идоралар билан ҳамкорликда вилотнинг барча туманларида “Очик эшиклар кўни” ўтказиб келинмоқда. Натижада тадбиркорлардан тушаётган ҳар қандай мурожаатлар қонунчиликда белгиланган муддатларда қўриб чиқилиб, тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинмоқда.

Эркин Хўжақулов,
Сирдарё вилоти адлия бошқармаси бошлиги

мизнинг тинчлик сиёсати, халқаро жамоатчилик эътироф этаётган ютуқларимиз ҳақида батафсил сўз юритди.

Шуниингдек, З.Мансуров истиқлолнинг мадҳ этувчи ўз шеърларидан бир қанчасини ўқиб берди.

Дилором МАТКАРИМОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

ёда энг йирик сув ҳавзаси ҳисобланган Орол денгизига, табиатига, ҳайвонот дунёсига, тупроқ ва ерига катта зарар етказилди. Натижада, турли ҳайвонлар, ўсимликлар, ҳатто Орол бўйларидан истиқомат қилувчи кишиларнинг нормал турмуш тарзи ачинарли қолгата келди.

Шукири, мустақиллигимиз кўлга киритилган, ҳукумимиз Оролни қутқариш учун экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилган махсус давлат комиссияси, Табиати муҳофазаси қилиш қўмитасида экологик экспертиза ўтказиш бошқармаси ва унинг қошида илмий кенгаш фаолиятини йўлга қўйди. Бугунги кунга келиб Орол денгизи муаммоларини бартараф этиш билан БМТ, ЮНЕСКО, ЕХХТ, Жаҳон банки, ЭКОСАН халқаро ташкилоти ва бошқа қатор халқаро уюшмалар шуғулланаётгани, нафақат Ўзбекистон учун, балки бутун жаҳон давлатлари учун алоҳида аҳамият касб этиши, яқин ўн йилликлар оралиғида Орол муаммоларининг секин-аста бартараф этилишини аниқлади десак, ҳато қилмаймиз.

Қолаверса, 2008 йилда ташкил этилган “Экоҳаракат” ҳамда депутатларимизнинг сони 150 нафарга кўпайгани, уларнинг 15 нафари экологик муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш билан шуғулланишлари, атроф-муҳит муҳофазаси учун, уни табиийликка сақлаб қолишга ҳаракат қилиш учун, асосийси, соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлаш учун, баркамоллик таъминлаш тизимини янада кенгайтириш учун тубдан қўмақлаш келатганиликлари ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг кейинги босқичларини амалга оширувчи соғлом авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Zero, соғлом муҳит бор жойда соғлом авлод дунёга келади ва камол топади.

Шохрух НУРАЛИЗОДА,
Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот гуруҳи аъзоси

КИЧИК БИЗНЕС ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб мавзусига айланди. Сабаби — айнан ушбу соҳа Юртбошимизнинг таъбири билан айтганда, мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири ҳисобланади.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик масаласини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Шу боис ҳам мазкур соҳани жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз томонидан 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши ҳам бунинг яқол тасдиғидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар, кўрсатилган банк хизматларида намуналар билан фойдаланаётган тадбиркорларимизнинг эришаётган ютуқлари эса мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини намоян этишида асосий далил бўлмоқда.

Шу ўринда, республика тижорат банклари томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда амалга оширилаётган ишлар қўламини ҳам диққатга сазоворлигини таъкидлаш жоиз.

Республикадаги етакчи молия муассасаси сифатида танилган Ўзбекистон автомобилсозлиги тармоғининг вужудга келишида ҳамда жадал суръатлар билан ривожланишида доимий молиявий ҳамкор бўлиб келаётган

га ҳамда барча банк фаолиятига қизқувчи кўргазма қатнашчиларига “Асака” банк томонидан мижозларга таклиф этилаётган сифатли янги замонавий банк маҳсулотлари намойиш этилди. Қизқувчиларнинг саволларига банк мутахассислари томонидан батафсил жавоблар берилди.

Бугунги кунда ўз вақтини қадрловчи банк мижозларидан 437 нафари SMS-банкнинг, 787 нафари банк-мижоз хизмат турларидан фойдаланмоқда. Шу билан бирга тадбиркор ва ишбилармонлар учун банк томонидан яна бир қўлайлик интернет-банкнинг хизмати ҳам жорий қилинмоқда.

“Асака” банк республика тижорат банклари ичида биринчилар қаторида “2011 йилнинг энг яхши лойиҳаси” мавзюда жорий йилнинг январда матбуот ва телевидение орқали танлов эълон қилиб, март ойда танлов натижалари бўйича Самарқанд вилоти филиали мижози “Maroqand Parganda” МЧЖ 1-ўринга (паррандачиликни ривожлантириш), Наманган вилоти филиали мижози “Fahir Tekstil Savdo” МЧЖ 2-ўринга (эркаклар костюм-шимлари тикиш), Тошкент шаҳридаги Авто-транспорт филиали мижози “Safot Tibbiyot” МЧЖ (аҳолига замонавий табиий хизматлари кўрсатиш) 3-ўринга лойиҳа деб топилди. Танлов ғолиблари имтиёзли шартларда кредит олиш ҳуқуқини берувчи диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Жумладан, жорий йилнинг 3 июнь кун О‘ЗЛиДеР Сиёсий кенгаши ихроия қўмитаси аёллар қаноти бошчилигида “Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари” мавзюда “Пойтахт” бизнес марказида ўтказилган семинарда ғолиб деб топилган Сирдарё ви-

томонидан 231,4 миллиард сўм ва 3,4 миллион АҚШ доллари миқдоридан кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида 5179 нафар янги иш ўринлари яратилди.

Шу ўринда Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги ПК-1047-сонли Қарори асосида республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан бекаму-кўст тўлдириш, асосан қишлоқ жойларда замонавий юқори умумий техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи иҳсам корхоналари жадал барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини шакллантириш, қўпроқ одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш ҳамда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳукуматимизнинг тегишли топшириқлари ихросини таъминлаш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга ажратилган кредитлар ҳажми 50,1 миллиард сўмни ташкил этиди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги ПК-1050-сонли Қарори асосида рақобатбардор юқори сифатли ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни қўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан янада тўлиқроқ бойитиш, тайёр ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш, бунинг асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, инсонларнинг даро-

Реклама ўрнида

“Асака” банк: барча саъй-ҳаракатлар фаровон ҳаёт учун



“Асака” Давлат-акциядорлик тижорат банки ҳам банкка асос солинган дастлабки кунларданок тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлашнинг ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, жумладан, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, сифатли банк хизматларини таклиф этиш борасида банк томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида ҳукуматимизнинг ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун бошланғич сармоясини шакллантиришга қўмаклашиш мақсадида “Диплом билан бизнесга” лойиҳаси доирасида олиқ ўқув ортлари ва касб-ҳунар коллежлари талабалари орасида бизнеснинг бошланғич ва кейинги босқич жараёнларида учрайдиган баъзи бир муаммоларни ениш амалиётини ўргатишнинг самарали усулларини йўлга қўйиш мақсадида ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Ушбу семинарларга боис банк билан ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида “Келахак овози” ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорлигида “Асака” банк мутахассислари ёрдамида жорий йилнинг 11 апрелида Қашқадарё вилотида, 13 апрелда Наманган вилотида, 20 апрелда Андижон вилотида, 21 апрелда Фарғона вилотида ёш тадбиркорларга бағишлаб форумлар ўтказилди ва тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёш тадбиркорларга Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг асли муҳияти тушултирилди ҳамда кредитга оид ҳужжатларнинг намуналари йўлланма сифатида тарқатилди.

Ўтказилган тадбирларнинг самараси сифатида таълим муассасалари битирувчиларига жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида банк филиаллари томонидан 770,7 миллион сўм миқдорда кредит маблағларининг ажратилиши бунинг яқол далили десак, муболаға бўлмайд.

Жорий йилнинг 27-28 апрель кунлари Марказий кўргазмалар залида ўтказилган “BANKEXP-2011” кўргазмасида тадбиркорлар, олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари-

мадлари ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида маҳаллий ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга ажратилган кредитлар ҳажми 54,9 миллиард сўмни ташкил этиди.

Бундан ташқари, кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳамда тадбиркорларга ажратилган микрокредитлар ҳажми 13,7 миллиард сўмни ташкил этиди, ёш оила-ларга ўз бизнесларини бошлаш, уни ривожлантириш ва кенгайтиришни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган микрокредитлар ҳажми 1,9 миллиард сўмни ташкил этиди.

Ажратилаётган кредитлар юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишга, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология ва бошқа илгор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришга асосланган лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда.

Банк филиаллари томонидан 2011 йил 1 июль ҳолатига Юртбошимизнинг ПК-308-сонли ҳамда ПК-842-сонли қарорлари ихросини таъминлаш мақсадида қорвачилиқни ривожлантириш, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида қорва молларини янада кўпайтириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва даромадларини, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлаш учун 1,9 миллиард сўм, республикамизнинг олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларида аҳолини иш билан таъминлаш ва жойларда аҳоли даромадларини ошириш, иқтисодиётимизда тобора ўзининг мустақам ўрнига эга бўлиб бораётган қасанақчилиқни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида оливалый тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадлари учун 1,5 миллиард сўм, янги ташкил этилаётган кичик бизнес субъектларига бошланғич сармояни шакллантириш учун салкам 450 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

“Асака” Давлат-акциядорлик тижорат банки жамоаси “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йилида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашга, маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва хизматлар кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаш, мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш бўйича ишларни янада фаол давом эттирадилар.

Банк Ахборот хизмати

Истиқлол қадри

Экология

Ҳаёт мувозанати

атроф-муҳит мусоффолигини тақозо этади

АВВАЛО, шунинг таъкидлаш жоизки, инсоннинг тўрт улуг ва бебаҳо, табиат инъом этган неъматлари бор: сув, тупроқ, ҳаво ва тирикчилик. Ҳаёт учун энг зарур ана шу табиий омиллар сўзсиз, узок давр давом этган ўта мураккаб физик ва биохимик жараёнлар асосида юзага келган. Одамзот яратилбдики, табиатнинг бу мўъжаз неъматларидан баҳраманд бўлиб келмоқда. Аммо, техника-технология қанчалик юксалгани сори экологиянинг захарланиш жараёни ҳам ўсиб бормоқда. Натижада экология XXI асрда долзарб муаммолардан бирига айланди.



ларни янада бойитиш кўзда тутилган. Яшаш жойлари ҳисобланмиш маҳалларда ҳам турли экологик мавзударда давра сўхбатлари, экологик кечалар ва танловлар ўтказилиб, экологик таълим-тарбия йўналишида бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Атроф-муҳитга ўта эҳтиёткорона муносабатда бўлиш юртимизда истикомат қилаётган ҳар бир фуқародан жиддий талаб этилмоқда. Zero, давлатимиз раҳбари “Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир, уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги кунини ва келахакни қўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир”, деб таъкидлаш беҳиж эмас. Юртбошимиз томонидан бицирилган, ушбу фикрлар жамиятимиз аъзо-

ларига табиат бойликларини асраш ва улардан оқилона фойдаланиш, табиати муҳофазаси қилиш вазифасини юқлайди. Айниқса, истиқлол йилларида қабул қилинган “Табиати муҳофазаси қилиш тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофазаси қилиш тўғрисида”ги, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонунлар фуқароларга атроф-муҳит муҳофазасида алоҳида мажбурият юқлайди. Мамлакатимизда экологик хавфсизлиқни таъминлашга қаратилган қонунлари амалиётга таътиб этиш билан чекланиб қолгани, балки Марказий Осиё давлатлари орасида экологик ҳаракатларни тартибга солиб турувчи халқаро конвенция, шартнома ва битимларга ҳам биринчилардан бўлиб қўшилди.

Ҳаммамиз яхши биламизки, собиқ совет даврида Ўрта Оси-

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz
Баҳоси келишилган нарҳда
1 2 3 4 5

“Инсон ва қонун” газетаси таҳририяти жамоаси журналист

Зиёвуддин ОРТИҚҲҶАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари-
га чуқур таъзия изҳор этади